

## ИҚТИСОДИЁТНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА: МУАММОЛАР ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

*Избосаров Бобуржон Бахриддинович*

*Тошкент молия институту*

*"Банк иши кафедраси" доценти, PhD Email:boburbekizbosarov@gmail.com,*

*<https://orcid.org/0000-0002-0763-073X>*

## GLOBALIZATION OF THE ECONOMY: PROBLEMS AND NEW OPPORTUNITIES

*Izbosarov Boburjon Bakhriddinovich*

*Tashkent Institute of Finance*

*Associate Professor of "Department of Banking", PhD*

*Email:boburbekizbosarov@gmail.com, <https://orcid.org/0000-0002-0763-073X>*

**Аннотаци.** Мақолада жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёнини мазмун моҳияти, ижобий ва салбий жиҳатлари, ушбу жараённинг таҳлили батафсил ёритиб берилган. Мақолада жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни бўйича хорижий олимларнинг илмий ишлари ва ўқув адабиётлари таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида назарий таҳлил ва кузатиш каби усуллардан фойдаланилди. Ташиқи иқтисодий шароитларнинг келгусидаги ўзгариши бўйича ноаниқликларнинг кучайиб бораётганлиги, глобал рецессия юзага келиши эҳтимолларининг ошаётганлиги ва асосий хомашё товарлари нархи пасаявчи трендга ўтган бўлсада, улар бўйича қутилмаларнинг турли йўналишида шаклланаётганлиги, шунингдек, ички иқтисодий шароитлардаги ўзгарувчанликларни ҳисобга олиб, ўрта муддатли макроиқтисодий прогнозлар икки хил сценарий асосида ишлаб чиқилди. Сценарийлар шартларини белгилашда жаҳон иқтисодиётидаги тенденцияларнинг турли хил ўзгариши, глобал инфляция жараёнлар бўйича

кутилмалар, геосиёсий вазият ва хомашё бозорларидаги прогнозлардаги фарқлар асосий мезонлар этиб, белгилаб олинди. Макроиқтисодий ривожланишининг амалдаги тенденциялар доирасида давом этиши, ташиқи вазиятнинг мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсирларининг жорий ҳолатдан юқори бўлмаслиги ҳамда бошланган таркибий ислохотларнинг давом эттирилиши ва мантқиқий якунига етказилиши каби шартларни инобатга олиб асосий (базавий) сценарий, ташиқи хатарлар кучайиши ва глобал кризис жараёнларининг юзага келишини назарда тутувчи муқобил (хатарли) сценарий шакллантирилди. Асосий сценарий шартларига кўра, мамлакатимизда иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари, инвестицион ва истеъмол талабининг ўсувчи динамикаси сақланиб қолади. Тартибга солинадиган нархларнинг шакллантирилиши босқичма-босқич бозор механизмларига мослаштириб борилади, фискал консолидация бошланади, иқтисодиётда давлат ролининг пасайиши ва белгиланган таркибий ислохотлар давом эттирилиши ҳисобига рақобат муҳити яхшиланиб

боради ва хусусий хорижий инвестициялар ҳажми юқори суръатларда ўсиб бориши таҳлил қилинган. Илмий тадқиқот жараёнида глобаллашувнинг асосий муаммоларидан бири жаҳон миқёсида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли глобал беқарорликнинг мумкинлиги ҳисобланади. Натижада маълум бир мамлакатда рўй берган иқтисодий ўзгаришлар ёки инқирозлар бутун минтақа ёки жаҳон миқёсида таъсирини ўтказиши мумкинлиги аниқланди.

**Калит сўзлар.** Глобаллашув, жаҳон иқтисодиёти, трансмиллий компаниялар, глобал олигополия, халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув, байналминналашув, ишсизлик, молиявий барқарорлик, инқироз, интеграция, халқаро ташкилотлар, хавф-хатар ва имкониятлар.

**Abstract.** The article describes the essence of the process of globalization of the world economy, its positive and negative aspects, and the analysis of this process in detail. The article analyzed the scientific works and educational literature of foreign scientists on the process of globalization of the world economy. As a research methodology, methods such as theoretical analysis and observation were used. Given the growing uncertainty over future changes in foreign economic conditions, an increase in the likelihood of a global recession, and the fact that expectations on them are being formed in different directions, as well as fluctuations in domestic economic conditions, medium-term macroeconomic forecasts were developed according to two different scenarios

*In determining the conditions of the scenarios, various changes in the trends in the world economy, expectations regarding*

*global inflationary processes, differences in the geopolitical situation and forecasts in raw materials markets were determined as the main criteria. Taking into account conditions such as the continuation of macroeconomic development within the framework of current trends, the fact that the negative effects of the external situation on the economy of our country will not be higher than the current state, and the continuation and logical completion of the structural reforms that have begun, the main (basic) scenario, an alternative (dangerous) scenario, which assumes the increase of external risks and the occurrence of global crisis processes, was formed. It is analyzed that the formation of regulated prices will be gradually adapted to market mechanisms, fiscal consolidation will begin, the competitive environment will improve due to the reduction of the state role in the economy and the continuation of the specified structural reforms, and the volume of private foreign investments will grow at a high rate. One of the main problems of globalization in the process of scientific research is the possibility of global instability due to the interdependence of national economies on a global scale. As a result, it was found that economic changes or crises that occurred in a certain country can affect the entire region or the world.*

**Key words.** globalization, world economy, transnational corporations, global oligopoly, international distribution of labor and specialization, internationalization, unemployment, financial stabilization, crisis, integration, international organizations, risks and opportunities.

**Қириш.** Жаҳон иқтисодиётида глобаллашув тушунчаси дастлаб XX асрнинг 80-йилларида содир бўлган иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларни юзага келтирган омиллар сифатида

америкалик иқтисодчи олим “Т.Левиттнинг 1983 йилда “Гарвард бизнес ревью” журналида эълон қилган мақоласида қўлланилган эди. У йирик трансмиллий корпорациялар ишлаб чиқарадиган турли-туман маҳсулот бозорларининг бирлашув жараёнларини глобаллашув деб атаган”[1]. Т.Левиттнинг таърифида глобаллашув жараёнининг иқтисодий жиҳатларига эътибор қаратган, холос. Аслида, глобаллашув яхлит жараёнларни ўзида қамраб олади. Глобаллашув муаммолари тарихчилар, иқтисодчилар, технологлар, файласуфлар ва кўплаб мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари ҳамда жамият вакиллари томонидан баҳс-мунозарага сабаб бўлмоқда. Глобаллашув тарафдорлари ва унга қарши бўлганларнинг мавжудлиги ушбу тушунчанинг турлича талқин қилинишини англатади. Глобаллашув тарафдорларининг фикрича, глобаллашув иқтисодий ўсишни рағбатлантиради, аҳоли фаровонлигини оширади, янги иш ўринлари яратилишига имкон беради. Глобаллашувга қарши бўлганлар эса, у ривожланаётган мамлакатларда савдо экспансиясининг кучайиши, иқтисодий жиноятларнинг ортиши (қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқариш, ноқонуний реэкспорт, наркотик моддалар савдосининг ошиши ва ҳ.к.), ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитни ифлослантириши, техника хавфсизлигига амал қилмаслик, болалар меҳнатидан фойдаланиш ва бошқа нохуш ҳодисалар билан боғлиқ муаммоларнинг кучайишига олиб келади, деб ҳисоблайдилар. Умуман олганда, нима бўлганда ҳам глобаллашув жараёнини тўхтатиб бўлмайди. Таҳлилчилар глобаллашув жаҳон иқтисодий ривожланишининг у ёки бу ижтимоий-иқтисодий, технологик ва

экологик тенденцияларга қандай таъсир кўрсатишини ўрганишлари лозим.

#### **Адабиётлар таҳлили.**

“Глобаллашув” тушунчаси илк бора америкалик олимлар томонидан киритилган. Т.Левитт “Бозорларнинг глобаллашуви” номли мақоласида глобаллашувни илгарилари тассавур қилиб бўлмайдиган даражада кўп кўрсаткичларга эга бўлган истеъмол товарлари стандартлашиши учун глобал бозорлар пайдо бўлиши билан боғлиқ янги тижорат воқелиги деб атаган [2].

Иқтисодчи Н.Трифт глобаллашувнинг қуйидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатади:

- молиявий марказлашувнинг кучайиши. Унинг ёрдамида кредит маблағлари шакллантирилади, кредитлар берилади ва фойдаланилади, шунингдек капиталнинг ишлаб чиқариш устидан ҳукмронлиги ўрнатилади;

- ахборотлар аҳамиятининг ошиши;

- глобал олигополиянинг тўхтовсиз кенгайиши;

- тарнсмиллий корпорация (ТМК)лар сонининг ортиши;

- трансмиллий иқтисодий дипломатиянинг шаклланиши ва миллий давлат ҳокимиятининг глобаллашуви [3].

Калифорния университети профессори М.Кастельс глобаллашув жараёнини “янги капиталистик иқтисодиёт” деб атаб, унда ахборот, билим ва ахборот технологиялари ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлик ўсишининг асосий манбаи эканлигини таъкидлайди [4]. Россиялик олима И.Г.Владимированинг фикрича, глобаллашув жаҳон иқтисодиёти байналминаллашувининг энг юқори босқичидир [5].

В.Кривошееванинг таъкидлашича, глобаллашувдан яшириниб бўлмайди. Глобал жараёнлар тобора маҳаллий ва ҳатто тупроқ шароитларига таъсир қилмоқда. Бироқ, аниқ қаршиликка қарамай, ҳар бир киши маълум даражада глобал тизим билан боғлиқ. Агар биз глобаллашувнинг пайдо бўлишининг ўзига хос тарихий босқичи ҳақида гапирадиган бўлсак, у анча олдин пайдо бўлган, у фақат бошқача номланган. Шундай қилиб, агар глобаллашувнинг кенг маъносида биз халқларнинг иқтисодий яқинлашиши, интеграция, ягона жаҳон иқтисодий маконининг шаклланиш жараёнини назарда тутсак, глобаллашув инсоният тарихи давомида содир бўлган, деб таъкидлаш мумкин, гарчи бу жараён доимо барқарор бўлмаган[6].

Рус тадқиқотчиси “С.Честякова ўз навбатида глобаллашув таърифининг ўзига хос хусусиятларини очиб беради. Жумладан, у шундай дейди:

-глобаллашув, биринчидан – бу замонавий цивилизациянинг талабларини қондиришга қаратилган объектив ва тарихий жараёнлар характериға эға;

- иккинчидан, бу – ижтимоий омилларни такомиллаштириш ва мураккаблаштириш асносида давлат ва миллат мустақиллигидан устуворлик қиладиган жараёнлар интеграцияси. Аввало, у, иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, техника, технология, ахборот ва бошқа бошқарув соҳаларини халқаро организм структурасига эға фаолиятни вужудға келтиради.

- учинчидан, ушбу жараёнлар натижасида инсон ва жамият мавжудлигини таъминлашнинг ижтимоий асослари ўзгаришиға олиб келади. Бу ўз навбатида инсон ва жамиятнинг маънавий қиёфасини ўзгаришиға таъсир

кўрсатади”[7].

**Материал ва метод.** Мақолада жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни бўйича хорижий олимларнинг илмий ишлари ва ўқув адабиётлари таҳлил қилинди. Тадқиқот методологияси сифатида назарий таҳлил ва кузатиш каби усуллардан фойдаланилди.

**Натижалар.** Ташқи иқтисодий шароитларнинг келгусидаги ўзгариши бўйича ноаниқликларнинг кучайиб бораётганлиги, глобал рецессия юзага келиши эҳтимолларининг ошаётганлиги ва асосий хомашё товарлари нархи пасаяувчи трендға ўтган бўлсада, улар бўйича кутилмаларнинг турли йўналишда шаклланаётганлиги, шунингдек, ички иқтисодий шароитлардаги ўзгарувчанликларни ҳисобға олиб, ўрта муддатли макроиқтисодий прогнозлар икки хил сценарий асосида ишлаб чиқилди. Сценарийлар шартларини белгилашда жаҳон иқтисодиётидаги тенденцияларнинг турли хил ўзгариши, глобал инфляцион жараёнлар бўйича кутилмалар, геосиёсий вазият ва хомашё бозорларидаги прогнозлардаги фарқлар асосий мезонлар этиб, белгилаб олинди. Макроиқтисодий ривожланишнинг амалдаги тенденциялар доирасида давом этиши, ташқи вазиятнинг мамлакатимиз иқтисодиётиға салбий таъсирларининг жорий ҳолатдан юқори бўлмаслиги ҳамда бошланган таркибий ислоҳотларнинг давом этирилиши ва мантиқий якуниға етказилиши каби шартларни инobatға олиб асосий (базавий) сценарий, ташқи хатарлар кучайиши ва глобал кризис жараёнларининг юзага келишини назарда тутувчи муқобил (хатарли) сценарий шакллантирилди. Асосий сценарий шартларига кўра, мамлакатимизда иқтисодий фаолликнинг юқори суръатлари, инвестицион ва истеъмол

талабининг ўсувчи динамикаси сақланиб қолади. Тартибга солинадиган нархларнинг шакллантирилиши босқичма-босқич бозор механизмларига мослаштириб борилади, фискал консолидация бошланади, иқтисодиётда давлат ролининг пасайиши ва белгиланган таркибий ислохотлар давом эттирилиши ҳисобига рақобат муҳити яхшиланиб боради ва хусусий хорижий инвестициялар ҳажми юқори суръатларда ўсиб боради. Макроиктисодий ривожланишнинг муқобил сценарийси ташқи хатарлар ва глобал рецессиянинг кучайиши фонида мамлакатимизда ташқи талаб даражаси пасайиши, турли каналлар орқали кириб келадиган валюта оқимларининг камайиши, иқлим ўзгаришлари таъсирида ишлаб чиқариш ва ялпи тақлифнинг қисқариши эҳтимоллари асосида тайёрланган. Бунда, ялпи талабнинг камайиши глобал инфляцион жараёнларни жиловловчи ва хомашё товарлари нархларини пасайтирувчи омил бўлса, ялпи тақлифнинг қисқариши ички бозорда нархлар даражасига салбий таъсир кўрсатади. Мазкур сценарийда таркибий ислохотларнинг асосий сценарийга нисбатан сустроқ кечиши, тартибга солинадиган нархларнинг инфляция даражасида индексация қилиб борилиши тахмин қилинмоқда. Иқтисодиётни рағбатлантириш мақсадида фискал тақчилликнинг жорий юқори суръатлари сақланиб қолиши ва фискал консолидациянинг бошланиши 2024 йил ва ундан кейинги даврларга кечикиши назарда тутилган.

**Ташқи иқтисодий шароитларда:**

- жаҳон иқтисодиёти ва савдоҳамкорларда геосиёсий вазиятдаги кескинликлар фонида юқори ноаниқликлар сақланиб қолади, ташқи

талаб 2022 йилги кўрсаткичлардан паст бўлади;

- глобал инфляцион жараёнлар ва унга жавобан кўрилатган чоралар келгусида жаҳон иқтисодиётини рецессия ёки стагнацияга (иқтисодий пасайиш ёки турғунлик) учраши эҳтимоллигини ошириши мумкин, жорий йил охиридан глобал инфляция даражаси секинлаша бошлаши кутилмоқда;

- асосий хомашё товарлари нархларида пасайиш тенденциялари сақланиб қолади, глобал рецессия шароитида нархлар янада пасайиши ва ривожланаётган давлатлар валюталарига нисбатан босимлар юзага келиши мумкин;

- логистика ва етказиб бериш занжирларидаги узилишлар босқичмабосқич яхшиланиб боради, шу билан бирга давлатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларда товар ва молиявий ресурслар нархларининг қимматлашиши ҳамда миграцион жараёнлар кескин тус олиши мумкин.

**Ички иқтисодий шароитларда:**

- охирги йиллардаги иқтисодиётга молиявий рағбатларнинг қўллаб-қувватловчи таъсирлари камайиб боради;

- юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш вазифаси давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини кучайтиришга қаратилган таъсирчан ва қатъий таркибий ислохотларни амалга оширишни талаб этади;

- кейинги йилдан бюджетдан молиялаштириш имкониятлари чекланиб боришини инобатга олиб, давлат харажатларини тақсимлаш ва амалга оширишда юқори молиявий интизомни таъминлаш ҳамда ҳар бир сўмнинг тежамли ва мақсадли ишлатилиши тақозо этилади;

- умумий фискал тақчиллик даражаси пасайиб, уни молиялаштиришда ички бозор имкониятларидан фойдаланиш кўлами ошиб боради;

- хусусий секторнинг фаоллиги ҳисобига иқтисодиётда ялпи талаб даражаси бир маромда ошиб боради, ташқи шоклар кузатилган тақдирда ушбу тенденция сусайиши мумкин;

- кўшилган қиймат солиғи ставкасининг пасайиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида рағбатни оширувчи ва нархлар ўсишини секинлаштирувчи омил бўлиши мумкин;

- хусусий инвестициялар, миграцион оқимларнинг кўпайиши, экспорт тушумлари, халқаро пул ўтказмалари ички инвестицион ва истеъмол талабини бир маромда қўллаб-қувватлаб боради, ислохотларнинг самарали амалга оширилиши ушбу жараёни тезлаштиради, ташқи хатарларнинг кучайиши секинлаштирувчи аҳамият касб этади.

Умуман олганда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви деганда жаҳон иқтисодиётининг ўзаро боғлиқ турли соҳа ва жараёнларининг кучайиб бориши, жаҳон хўжалигида товарлар, хизматлар, капитал, ишчи кучи ва билимлар бозорининг аста секинлик билан ягона бозорга айланишини билдиради.

Глобаллашув шароитида марказлаштирувчи кучларнинг марказлашиши билан боғлиқ бўлган бузғунчилик таъсири юзага чиқиши мумкинки, бу мамлакат ичидаги анъанавий алоқаларнинг узилиши, ижтимоий муаммоларнинг кучайиши, мазкур жамият учун бегона бўлган салбий оқибатлар туфайли барча мамлакатларда

юзага келадиган муаммолар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- глобаллашувдан келадиган афзалликларнинг миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ўртасида бир хил тақсимланмаслиги;

- миллий иқтисодиётда саноатлаштиришнинг секинлашуви;

- айрим мамлакатларда иқтисодиётни назорат қилишни мустақил ҳукумат қўлидан бошқаларга, масалан кучлироқ давлатлар, транс миллий компаниялар ёки халқаро ташкилотлар қўлига ўтиш эҳтимоли;

- молиявий соҳанинг барқарорлашуви эҳтимоли, миллий иқтисодиётларнинг жаҳон миқёсида ўзаро боғлиқлиги натижасида ҳудудий ёки глобал нобарқарорлик эҳтимоли бир мамлакатдаги иқтисодий тебранишлар ва инқирозлар ҳудудий ҳамда глобал оқибатларга олиб келиши мумкин.

Глобаллашувнинг салбий оқибатлари иқтисодиёти паст ривожланган мамлакатларга кўпроқ таъсир қилиши мумкин. Бу мамлакатларнинг кўпчилиги байналминаллашув жараёнида хомашё ва меҳнат сиғими маҳсулотлар (уларнинг баъзилари замонавий мураккаб техника учун эҳтиёт қисм ва бутловчи бўғинлар) етказиб берувчи сифатида иштирок этган ҳолда илғор мамлакатларга ҳар томонлама боғланиб қолади ва уларга нисбатан кам фойда кўради ҳамда бу фойда жаҳон бозорлари конъюктурасига боғлиқ ҳолда барқарор бўлмайди.

Глобаллашув бу мамлакатларнинг юқорида қайд этилган муаммоларидан ташқари қуйидаги муаммоларни ҳам келтириб чиқаради:

- ривожланган мамлакатлардан технология соҳасида орқада қолишнинг янада чуқурлашиши;

- аҳоли асосий қисмининг камбағаллашуви, аҳоли ўртасида турли касалликларнинг тарқалиши;

- ижтимоий-иқтисодий табақалашувнинг ўсиши;

- кам ривожланган мамлакатлар жаҳон хўжалиги барқарорлигига боғлиқлигининг янада кучайиши;

- миллийликка йўналтирилган иқтисодий сиёсатни амалга оширишда транс миллий компаниялар томонидан давлатнинг имкониятларини "чеклаб" қўйилиши;

- ташқи қарз, энг аввало халқаро молия ташкилотлари олдидаги қарзнинг ортиши, бу эса истикболдаги тараққиётга тўсқинлик қилади.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, глобаллашув жараёнида иштирок этишдан саноати ривожланган мамлакатлар кўпроқ фойда олади. Зеро улар ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва барча диққат-эътиборни кўп даромадли бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Айни пайтда саноати ривожланган мамлакатларда ҳам глобаллашув жараёнлари салбий таъсир этиши мумкин: ишсизлик, молия бозорларида беқарорлик кучаяди ва ҳоказолар.

**Хулоса.** Глобаллашувнинг асосий муаммоларидан бири жаҳон миқёсида миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги туфайли глобал беқарорликнинг мумкинлиги ҳисобланади. Натижада маълум бир мамлакатда рўй берган иқтисодий ўзгаришлар ёки инқирозлар бутун минтақа ёки жаҳон миқёсида таъсирини ўтказиши мумкин. Бу ҳолат фақат назарий эмас, ҳаётий муаммодир. Буни 1997 йил ёзида Таиландда бошланиб, Жанубий-Шарқий Осиёга тарқалган ва ҳатто Жанубий Кореяга ҳам таъсирини ўтказган

Осиё молиявий инқирози, 2008 йилда Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланган жаҳон молиявий инқирози, ҳам тасдиқлайди. Бугунги кунда жаҳондаги мамлакатлар бўйлаб коронавирус пандемиясининг пайдо бўлиши, унинг таъсири, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари тўхтовсиз тарзда кенг муҳокамага сабаб бўлмоқда. Пандемиянинг таъсири натижасида жаҳон иқтисодиётининг барча реал тармоқларида саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш, транспорт, туризм ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли даражада пасайиш ва ишсизлик кузатилмоқда.

2021 йилнинг охири ва 2022 йилнинг дастлабки ойларида бошлаб дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий тикланиш ҳолатлари кузатила бошланди. Лекин, 2022 йилнинг февраль ойи сўнгидан Россия ва Украина ўртасидаги инқирозли вазият ҳамда энергия бозоридаги тебранишлар, таклиф ҳажмини юқори талабга мослашишининг кечикиши натижасида юзага келган юқори инфляция босим ва унга жавобан пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши кузатилди. Мазкур омилларни ҳисобга олиб, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки томонидан жаҳон иқтисодиётининг ва асосий савдо ҳамкорларимиз иқтисодиётининг ўсиш суръатлари қайта кўриб чиқилди ва 2023 йил учун ўсишнинг прогноз кўрсаткичлари пасайтирилди. Янгиланган прогнозларга кўра, Халқаро валюта жамғармаси жаҳон иқтисодиётини 2022 йилда 3,2 фоизга, 2023 йилда 2,7 фоизга, 2024 йилда эса 3,2 фоиз атрофида ўсишини тахмин қилмоқда. Жаҳон банки баҳолашларига кўра, жаҳон иқтисодиёти

2022 йилда 2,9 фоизга, 2023-2024 йилларда ўртача 3,0 фоизга ўсиши кутилмоқда[8].

Глобаллашувнинг салбий жиҳатларини кўпинча келиш-мовчиликлар билан боғлашади. Бу келишмовчиликларни сиёсий характердаги келишувлар ёки янги халқаро ташкилотлар тузиш асосида глобал ҳамкорликни ривожлантириш йўли билан ҳал қилиш мумкин.

Глобаллашув мамлакатларга нима беради - хавф-хатарми ёки янги имкониятлар? Бу саволга амалда ягона жавоб қайтариш мумкин эмас. Чунки салбий ва ижобий оқибатлар нисбати доимий равишда ўзгариб туради. Албатта, жараён бошланиб кетган ҳоҳлаймизми,

ҳоҳламаймизми уни тўхтатишнинг иложи йўқ. Жаҳонда ҳеч қайси давлат алоҳида, яққаланган ҳолда ривожланмайди. Мамлакатлар глобаллашув жараёнларига тўғри ёндашиб, янги шароитларга мослашишлари ва жаҳон иқтисодиётининг интеграциялашуви яратаётган имкониятлардан унумли фойдаланишлари лозим.

Умуман олганда хулоса қилиб, шуни айтишимиз мумкинки, глобаллашув жараёни турли соҳа вакиллари ва жамият аъзолари олдида баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда ҳамда келажакда глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида кўпгина фикрлар билдирилади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Умаров Б. Глобаллашув зиддиятлари. – Тошкент: Маънавият, 2006. – Б. 8.
2. T.Levit The Globalization of Markets, Harvard Business Review (HBR) 1983 (pages 289-297)
3. «Международные экономические отношения» 2-е издания — Под ред. Евдокимова А.И. 2013.М.863 стр.
4. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура: монография/ М.Кастельс— М.: ГУ ВШЭ, 2000.- 608с.
5. Владимирова И.Г. Глобализация мировой экономики: проблемы и последствия.URL: <http://www.cfin.ru/press/management/2001-3/10.shtml>
6. Кривошеева В. А. Что несет собой глобализация? Феномен или провал? / В. А. Кривошеева. — Текст: непосредственный // Молодой ученый. — 2015. — № 17 (97). — С. 452-454. — URL: <https://moluch.ru/archive/97/21751/>
7. Чистякова С.С. Глобализация культуры: генезис, типология, современные аспекты: дис. канд. филос. наук.Белгород, 2007
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки. Пул-кредит сиёсатининг 2023 йил ва 2024-2025 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. [https://cbu.uz/upload/medialibrary/04f/xz40kvjhrad5rrk7otjgimsys6pbb5ud/Asosiy\\_yunali\\_shlar\\_2022.pdf](https://cbu.uz/upload/medialibrary/04f/xz40kvjhrad5rrk7otjgimsys6pbb5ud/Asosiy_yunali_shlar_2022.pdf)